



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

№3

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2024



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 3-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир**

**ўринбосари:**

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**

и.ф.д. Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

катта ўқит. Ш.З.Ўразов

**Техник муҳаррир:**

и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**

PhD С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба  
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида  
тарқатилади.**

**Тахририят манзили:**

140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институти ректори, и.ф.д., профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,  
профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод  
фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти в.б., DSc

## МУНДАРИЖА:

<b>НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ</b>	
<b>Мурод Мухаммедович Мухаммедов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев</b> Амир Темурнинг одилона иқтисодий сиёсати – кудратли империянинг шаклланиш ва ривожлантириш омили	5
<b>Дилфуза Олимбоевна Матёкубова</b> Бизнес тузилмаларини инновацион ривожлантириш учун диверсификация стратегиясини танлаш истиқболларини баҳолаш тартиби ва усуллари	12
<b>G‘ayrat Zuvaytovich Ubaydullaev</b> Mamlakatda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish strategiyalarini amalga oshirish inson kapitali samaradorligini oshiradi	16
<b>Fotimaxon Ibragimovna Ergasheva, Madina Isoqjonovna Oxunjonova</b> Yoshlar tadbirkorligini rivojlantirish masalalari	21
<b>РАҚАМЛИ ВА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ</b>	
<b>Гулнора Мардиевна Шадиева</b> Влияние инновационных процессов на экономическое развитие Республики Узбекистан: теоретические аспекты	26
<b>Omonilla Saydaminovich Umarov, Abdulxay Xasanboyevich Xodjayev</b> Iqtisodiy xavfsizlikini ta’minlashda ochiq ma’lumotlar sohasining ahamiyati	31
<b>САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Рузибой Нормухаматов, Уктам Абдуғани ўғли Абдурайимов</b> Мева-сабзавотларда бўладиган нитратлардан келадиган хавфлар ва уларнинг олдини олиш йўллари	35
<b>Гулнора Мардиевна Шадиева, Умида Равшановна Равшанова</b> Теоретические аспекты занятости в сельском хозяйстве и их влияние на развитие экономики Республики Узбекистан	38
<b>Сусанна Сейрановна Алиева</b> Солнечная энергетика в тепличном хозяйстве	44
<b>Zaxriddin Vasliddin o‘g‘li Usubjonov</b> Namangan viloyatida qurilish materiallari ishlab chiqarish sanoatining rivojlanishi	49
<b>Muxriddin Mo‘ydingon o‘g‘li Turg‘unov</b> Oziq-ovqat sanoati korxonalarining raqobatbardoshligini boshqarish masalalari	55
<b>Абдухолик Эгамович Тангиров</b> Чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликлари ва уларни бошқаришдаги айрим муаммолар	58
<b>Mirodiljon Xasanboy o‘g‘li Xomidov</b> O‘zbekiston Respublikasi avtomobilsozlik korxonalarida sanoat kooperatsiyasini tashkil etish va foydalanishning iqtisodiy ahamiyati	62
<b>Xakim Toshimovich Buriyev</b> Qurilish sanoati korxonalarining raqobatbardoshligini oshirishning ilmiy asoslari	66
<b>МЕХНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ</b>	
<b>Саидахроп Саидахмедович Ғуломов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев</b> Ўзбекистонда таълим самарадорлигини ошириш ва камбағалликни қисқартириш бўйича айрим тавсиялар	72
<b>Обид Мамаюнусович Пардаев</b> Кўп ўлчовли камбағалликни аниқлашнинг янги индикаторлари ва уларнинг моҳияти	78

- Е.Б. Шелудько // Научно-методический электронный журнал «Концепт». 2016. – № 56.
3. Фасхиев, Х.А. Как оценить и управлять качеством и конкурентоспособностью товаров и услуг / Х.А. Фасхиев // Маркетинг в России и за рубежом. – 2014. – № 3. – С. 88-102.
4. Фатхутдинов, Р.А. Управление конкурентоспособностью организации / Р.А. Фатхутдинов. – М.: Изд-во «Эксмо», 2014. – 545 с
5. Turgunov, M. (2021). STATE AND PROSPECTS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN IN INTERNATIONAL RATINGS OF INNOVATION DEVELOPMENT. Theoretical & Applied Science, (7), 37-42.
6. Turgunov, M. (2021). Issues of innovative approach and financing of innovative projects in rapid economic development. Ekonomika i sotsium, (7), 151-159.
7. Тургунов М. М. (2021). Совершенствование механизмов управления предприятиями пищевой промышленности. Ин НАУКА СЕГОДНЯ: ФУНДАМЕНТАЛЬНЫЕ И ПРИКЛАДНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ (пп. 25-26).
8. Muallif hisob-kitoblari. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat agentligi ma’lumotlari.

<b>М.Тургунов</b>	<b>M.Turgunov</b>
<b>Вопросы управления конкурентоспособностью предприятий пищевой промышленности</b>	<b>Issues of managing the competitiveness of food industry enterprises</b>
<p><b>Аннотация.</b> В данной статье проведено исследование по развитию пищевой промышленности в нашей стране и повышению конкурентоспособности продовольственного рынка. При этом определена тенденция развития пищевой промышленности за последние годы путем анализа статистических показателей. Реализована система показателей оценки конкурентоспособности предприятий пищевой промышленности и комплексная оценка.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> промышленность, менеджмент, безопасность пищевых продуктов, пищевая промышленность, конкуренция, ресурсосбережение, инновации.</p>	<p><b>Abstract.</b> In this article, a study was carried out on the development of the food industry and increasing the competitiveness of the food market in our country. In this, the analysis of the statistical indicators of the food industry in recent years was carried out and the development trend was determined. A system of indicators for evaluating the competitiveness of food industry enterprises and an integrated assessment have been implemented.</p> <p><b>Keywords:</b> industry, management, food security, food industry, competition, resource economy, innovation.</p>

УЎК 636.933.2.338.1

**Абдухолик Эгамович Тангиров** –Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти, и.ф.н.

### ЧЎЛ-ЯЙЛОВ ЧОРВАЧИЛИГИ ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР

<p><b>Аннотация:</b> мақолада чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликларни бошқариш муаммолари, хусусий мулкка асосланган бошқарувнинг самарадорлиги ўрганилган ва таҳлил қилинган ҳамда такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.</p> <p><b>Калит сўзлар:</b> мулк, бозор иқтисодиёти, бозор механизми, бошқариш, хусусийлаштириш, инфратузилма, қайта ишлаш, тайёр маҳсулот, таннарх, фойда, рентабеллик, яйлов, агрофитоценоз.</p>
--

**Кириш.** Республика чорвачилигининг муҳим соҳаларидан бири қоракўлчилик ҳисобланади. Мамлакатимиз ер ресурсларининг деярли ярми яйловлар ҳиссасига тўғри келади. Мамлакатимиз яйлов ресурсларидан унумли фойдаланишнинг ягона йўли яйлов чорвачилигини ривожлантириш, хусусан қоракўлчилик, туячилик, эчкичилик ва улардан олинадиган маҳсулотларни қайта ишлаб тайёр харидоргир товар сифатида сотишни йўлга қўйишдир.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили:** Ўрганилган адабиётларда бозор иқтисодиёти шароитида мулк шакллари, қорақўлчилик қуйи мажмуаси ва унинг бозор конъюнктурасини шакллантиришдаги роли, чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларини сотишни такомиллаштириш ва соҳани модернизациялаш ҳамда мажмуа бошқарувини такомиллаштириш масалалари ўрганилган [1,2,3,4].

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида иқтисодий таҳлил, қиёсий таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли таҳлил, илмий абстракциялаш, ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Ҳозирги кунда Республикада фойдаланилаётган яйловларнинг 7,3 млн гектарида турли даражадаги инқироз юз берган, бу умумий яйлов фондининг 40,7% ини ташкил қилади. Яйловлар инқирозини юзага келтирувчи энг асосий омил-яйловлар ҳанузгача ўз эгасини топмаганлиги натижасида улардан узлуксиз ва пала-партиш фойдаланиш бўлиб, рационал фойдаланиш ва мавсумий фойдаланиш тизимида тўсқинлик қилувчи асосий омил сув таъминотининг узилишидир.

Натижада маҳсулот таннархи таркибида озуқа харажатлари 12–15 фоиз ўрнига 40–45 фоизни бир қатор хўжаликларда ҳатто 50–55 фоизни ташкил қилмоқда. Бу эса ўз навбатида чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатлари йилдан-йилга ошишига ва рентабеллиги пасайишига олиб келмоқда.

Чўл-яйлов чорвачилиги самарадорлиги пастлигининг асосий сабаблари яйлов ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари ҳанузгача ўзининг ҳақиқий эгасини топмаганлиги ҳамда чўл-яйлов чорвачилигини бошқариш маъмурий усулларга асосланганлигидир.

Тадқиқотлар натижасида аниқландики, чўл-яйлов чорвачилигини бошқаришнинг барча бўғинлари сўзсиз юқори бошқарув органига ёки бошлиққа бўйсунушга таянади. Чўл-яйлов чорвачилигини бошқариш структураси мураккаб ва самарасиз бўлиши билан биргаликда маъмурий усулларга асосланганлиги соҳанинг бозор қонунларига биноан фаолият кўрсатишига ва ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Шунинг учун ҳам Республика қорақўлчилик соҳаси бошқарув тизимини бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш мақсадида чўл-яйлов чорвачилигини республика бошқарув органи ва унинг вилоят уюшмаларини ҳамда туман кишлок хўжалиги бўлими қайта ташкил этиб уларнинг ҳар бирининг ўрнига чўл-яйлов чорвачилиги ривожланишига имконият яратиб берувчи - сервис хизмати инфратузилмаси, маҳсулотларни қайта ишлаб тайёр маҳсулот даражасига етказувчи корхоналарни ташкил этиш ва соҳанинг истиқболини белгилаб берувчи дастурларни ишлаб чиқувчи, энг аввало маҳсулотни сотишга ва маркетинг масалаларида кўмаклашувчи яъни корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмайдиган 12-15 кишидан иборат мувофиқлаштирувчи тузилмани ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Чўл-яйлов чорвачилиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар даставвал кишлок хўжалик корхонасини бошқариш тизимида бозор муносабатларига хос хўжалик юритиш механизмини жорий этишни талаб қилади. Аммо, мулк шакли ўзгарган бўлса-да, қорақўлчилик хўжаликларида режали тақсимот тузуми даврида таркиб топган бошқарув структураси асосида иш юритилмоқда. Шундай қилиб, ташқи кўриниш жиҳатидан бошқарув тузилмаси бозор шароитларига яқинлаштирилган бўлса-да, лекин мазмуни ва иш юритиш тартиби бўйича иқтисодий ўсишга хизмат қилмаётганлиги сабабли қорақўлчилик хўжаликлари бошқарув структурасинигина эмас балки мулк ва мулкрий муносабатларини ҳам ислох қилиниши лозим. Қорақўлчилик хўжаликларида чорва моллари ҳам пай жамғармасига киритилганлиги ва пай улуши сифатида ширкат аъзоларига тақсимлаб берилганлиги, яйловлар оила пудрати-отарларга беркитилмаганлиги, етиштирилган маҳсулотларга оила пудратининг ўзи эга эмаслиги сабабли чўл-яйлов чорвачилигида мулк ўзининг ҳақиқий эгасини ҳанузгача топмаган.

Ушбу сабабларга кўра чорва моллари қийматини пай жамғармаси таркибидан чиқариб, оилавий пудратчиларга маълум муддатга ижарага беришни ва етиштирилган маҳсулотларнинг шартномада келишилган қисмини хўжаликка топширишни, қолган қисмига эса пудратчининг ўзи эгалик қилиши мақсадга мувофиқ. Таклиф қилинаётган

ички хўжалик механизмини амалда жорий этилиши чўл-яйлов чорвачилигида хизмат қилаётган меҳнаткашларда мулкка эгалик ҳисси шаклланишига олиб келади ва ишлаб чиқариш ҳамда бошқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ошишига асос бўлиб хизмат қилади. Чорва моллари ва бошқа асосий воситаларни ижарага бериш хусусий мулкка асосланиб фаолият юритувчи хўжалик шаклларида ўтишнинг дастлабки босқичи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Чўл-яйлов чорвачилиги қуйи мажмуаси корхоналари ўз фаолиятларини хўжалик юритишнинг турли шаклларида олиб бормоқдалар. Самарқанд вилояти, Нуробод тумани ҳудудида жойлашган турли мулкчилик шаклидаги хўжаликлар фаолияти таҳлили кўрсатдики, бир ишловчига етиштирилган гўшт “Собирсой” фермер хўжалигида 52,5 ц, жун 3,5 ц ва қорақўл тери 77 донани ташкил қилган ҳолда “Саҳобаота” ширкат хўжалигида тегишли равишда 40,3, 2,92 ва 32 ёки 23,2%, 16,6% ва 2,4 марта кам ишлаб чиқилган. Булардан ташқари фермер хўжалигида ҳар бир ишловчига 300,0 ц дон ва 42 ц сут ишлаб чиқилган. Натижада бир ишловчига етиштирилган маҳсулот қиймати “Собирсой” фермер хўжалигида “Саҳобаота” ширкат хўжалигига нисбатан 33,4 фоизга кўп.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, чўл-яйлов чорвачилиги ҳудудларида бозор инфратузилмаси деярли шаклланмаганлиги сабабли фермер ва деҳқон хўжаликларида етиштирилган қорақўл тери ва жун ўз харидорини топа олмаган. “Саҳобаота” ширкат хўжалиги эса етиштирилган қорақўл терининг 1598 донасини иш ҳақи сифатида берган ва 332 донаси дағал-хашакка алмаштирилган, жунининг эса 203,7 центнерини иш ҳақига ва 66,8 центнерини дағал-хашак ҳақига тўлаган. Шу йўл билан хўжалик харидорини топмаган маҳсулотларидан фойдаланган.

Фермер ва деҳқон хўжалиги 1 ц гўштни ширкат хўжалигига нисбатан тегишли равишда 61,8 ва 64,7 фоиз юқори баҳоларда сотишган. Фермер ва деҳқон хўжаликларида сотиш баҳосининг юқорилигини уларнинг реал иқтисодий мустақиллиги билан изоҳлаш мумкин. Хусусий мулк эгаси сифатида фермер ва деҳқон молларини бозор кўтарган нархларда сотишган. Натижада фермер хўжалиги рентабеллик даражаси ширкат хўжалигига нисбатан 26,5 банд, деҳқон хўжалигиники эса 39,9 бандга юқори бўлган.

Деҳқон ва фермер хўжалиги юқори самарадорлиги биринчидан, хўжаликни бошқаришдаги деҳқон ва фермернинг ҳақиқий эркинлиги ва тўлиқ иқтисодий жавобгарлигидир. Бу хўжаликлар ишлаб чиқариш воситаларига, етиштирган маҳсулотларга, олинган даромадга ҳақиқий эгаллиги, ёлланма меҳнатдан фарқли ўлароқ, кам харажат қилиб кўп маҳсулот олишгагина эмас, балки яйлов(ер)нинг ҳосилдорлигини оширишга ҳам қаратилган. Иккинчидан, бошқариш ва бажариш функцияси бир шахсда мужассамлашиши алоҳида бошқариш, ҳисоб ва назорат ходимларининг бўлишига барҳам беради. Учинчидан, бир қатор ижтимоий муаммоларни харажатсиз ҳал қилиш имконини беради, хусусан, иш ва яшаш жойини алмаштиришга ҳожат қолмайди. Бу эса ўз навбатида ишга ва технологик сабабларга кўра бўш қолганда бориб келиш вақтини кескин қисқартиради.

Қорақўлчиликни интенсив ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири табиий яйловлардан фойдаланиш билан бир қаторда, йилнинг ёз, куз ва қиш мавсумларида фойдаланишга мўлжалланган кўп компонентли, юқори ҳосилли ва турли ҳаётий формалардан ташкил топган яйлов агрофитоценозларини яратиш технологияларини жорий этиш ҳисобланади.

Чўл-яйлов чорвачилиги ҳудудларида ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси шакллантириш энг муҳими эса меҳнаткашларни мулкнинг ҳақиқий эгасига айлантириш мақсадида ширкат хўжалиги мулкларни хусусан чорва молларини, ишлаб чиқариш ва турар жойларни, яйловдаги қудуқлар ҳамда сув чиқариш мосламаларни ва бошқа воситаларни бозор нархларида сотиш ва яйловларни узоқ муддатли ижарага бериш орқали фермер ва бошқа хусусий мулкка асосланган хўжаликларини босқичма-босқич ташкил этишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Мулкни сотишдан ва яйловларни ижарага беришдан келиб тушган пулларни даставвал чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларни қайта ишловчи ва тайёр маҳсулот даражасига етказувчи корхоналарни

бунёд этишга, маҳсулотлар тўлиқ сотилишини таъминлаш мақсадида замонавий маркетинг хизматини ташкил этишга, яйловларни ва уларнинг сув таъминотини модернизациялашга ҳамда бозор хизматларини амалга оширувчи муассасаларни ташкил этишга сарфланиши лозим.

Қоракўлчиликни интенсив ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири табиий яйловлардан фойдаланиш билан бир қаторда, йилнинг ёз, куз ва қиш мавсумларида фойдаланишга мўлжалланган кўп компонентли, юқори ҳосилли ва турли ҳаётий формалардан ташкил топган яйлов агрофитоценозларини яратиш технологияларини жорий этиш ҳисобланади.

**Хулоса ва таклифлар.** Республикада чўл-яйлов чорвачилигини бошқариш органларини қайта ташкил этиб уларнинг ўрнига хўжаликларининг молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмайдиган 12-15 кишидан иборат мувофиқлаштирувчи тузилмани ташкил этиш зарур.

Қоракўлчилик хўжаликларини фермер хўжаликларига ва агрофирмаларга айлантириш йўли билан хусусийлаштириш.

хўжаликларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига давлат ва юқори бошқарув органлари аралашувини чеклаш, ер ёки бошқа бирон ишлаб чиқариш воситаси эгасининг ишлаб чиқарган маҳсулоти ва даромадига мустақил эгалик қилиш ҳуқуқларини таъминлаш.

чўл-яйлов чорвачилиги мажмуаси ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва маҳсулотни сотиш соҳасида, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасида корхона, ташкилот ва хўжаликлари манфаатларининг бир бутунлигини таъминловчи мулк шакли ва бозор муносабатларининг ташкилий таркибини вужудга келтириш.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Абдурахмонов К., Боев Х. Бозор иқтисодиёти шароитида мулк шакллари ривожланиб бориши. –Тошкент: Фан, -1992. -36 б.

2. Каюмов Ф.К. и др. Каракулеводческий подкомплекс и его роль в формировании конъюнктуры рынка. Т. "Узинформагрупп". 1993 г.

3. Совершенствование продажи продукции пустынно-пастбищного животноводства и модернизация отрасли.  
[https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=OHPAyGkAAAAJ&scortby=title&citation\\_for\\_view=OHPAyGkAAAAJ:u5NHmVD\\_uO8C](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=OHPAyGkAAAAJ&scortby=title&citation_for_view=OHPAyGkAAAAJ:u5NHmVD_uO8C).

4. Тангиров А.Э., Хатамов А. Чўл-яйлов чорвачилиги бошқарувини такомиллаштириш. AGRO ILM 2–3(34–35) SON, 2015. 41–42б.

<p style="text-align: center;"><b>А.Тангиров</b>  <b>Пустынно-пастбищные животноводческие хозяйства и некоторые проблемы управления ими</b></p>	<p style="text-align: center;"><b>A.Tangirov</b>  <b>Desert-pasture livestock farms and some problems of their management</b></p>
<p><b>Аннотация.</b> В статье анализируются и изучаются проблемы управления пустынно-пастбищными животноводческими хозяйствами, эффективность хозяйствования, основанного на частной собственности, вносятся предложения по их совершенствованию.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> собственность, рыночная экономика, рыночный механизм, управление, приватизация, инфраструктура, переработка, готовая продукция, себестоимость, прибыль, рентабельность, пастбище, агрофитоценоз.</p>	<p><b>Abstract.</b> The article analyzes and studies the problems of management of desert-pasture livestock farms, the efficiency of management based on private property, and makes proposals for their improvement.</p> <p><b>Keywords:</b> property, market economy, market mechanism, management, privatization, infrastructure, processing, finished product, cost, profit, profitability, pasture, agrophytocenosis.</p>

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

12.09.2024 йилда теришга берилди. 27.09.2024 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт  
табоғи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0110А/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.